

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Ўзбекистон почтаси” АЖ
Акциядорларининг йиллик
умумий йиғилишининг
2023 йил 27 июндаги
1-сон баёни билан

“O‘ZBEKISTON POCHTASI”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМИ
(янги тахрир)

МУНДАРИЖА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

II. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

III. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ, ТАЙИНЛАШ ВА ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ

IV. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ АЪЗОЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

V. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ

VI. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ

VII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

VIII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, корпоратив бошқарув Кодекси ва Қоидалари тавсиялари, бошқа қонунчилик актлари, «O‘ZBEKISTON ROCHTASI» АЖ нинг (матн бўйича «Жамият») Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Кузатув кенгашининг мақоми ва унинг ишини регламентини, унинг аъзоларини сайлаш, шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

1.2. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонунчилик ва Жамият Устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

II. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

2.1. Жамият Кузатув кенгаши ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- а) Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- б) акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;
 - в) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
 - г) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
 - д) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
 - е) жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
 - ж) Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;
 - з) «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- и) Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- к) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- л) Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- м) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- н) Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- о) корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш, агар Жамият Уставида бундай лавозимни жорий этиш назарда тутилган бўлса;
- п) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- р) Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- с) аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- т) ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;
- у) Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- ф) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- х) Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- ц) Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- ч) Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- ш) «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- ў) Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоиздан эллик фоизгачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мажлисда иштирок этган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади;
- қ) Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- э) Бош директор, ишончли бошқарувчи ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шу жумладан Бош директор, ишончли бошқарувчи билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда тугатиш (бекор қилиш);
- ю) қонун ва акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган миқдор доирасида хомийлик(хайрия) ёки беғараз ердамларни олиш(бериш) тартибларини белгилаш ва Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида жойлаштириш. Жамият томонидан хомийликка сарфланадиган ҳар йилги харажатлари ўтган йилда олинган соф фойданинг 3 фоиздан ошмаслиги керак ҳамда бу харажатлар тасдиқланган бизнес-режасининг ўтган ҳисобот давридаги соф фойдага таалуқли қисми кўрсаткичлари бажарилганда амалга оширилади;

я) Жамиятнинг йўналишлар бўйича директорлари Кузатув кенгаши томонидан конкурс асосида тайинланади. Жамиятнинг йўналишлар бўйича директорларини тайинлаш тўғрисидаги қарор, хорижий менеджерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади. Жамиятнинг Почта хавфсизлиги бўйича директори Кузатув кенгаши томонидан тегишли ваколатли органлар билан келишилган ҳолда тайинланади;

аа) кузатув кенгаши қошида тегишлилиги бўйича кўмиталар (ишчи груҳлар) ташкил этиш.

бб) ушбу Низом, Жамият Устави ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамият Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.

2.2. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

III. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ, ТАЙИНЛАШ ВА ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ

3.1. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари қонунчиликда ва Жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

3.2. Жамият Кузатув кенгашининг сон таркиби 9 кишидан иборат. Шундан Кузатув кенгаши таркибига 1 (бир) нафар мустақил аъзо сайланади.

3.3. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак. Бунда кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар жамиятнинг кузатув кенгаши ва/ёки акциядор/акциядорлар томонидан, қоида тарикасида, акциядорлар умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўрсатилади.

3.4. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

3.5. Жамият Бош директори, Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

3.6. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

3.7. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари вазифасини бажаришдан қуйидаги ҳолатларда озод этилади:

- *ёзма ариза берган тақдирда;*
- *ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда;*
- *ўзининг мажбуриятларига риоя қилмаганда;*
- *белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган тақдирда;*
- *унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тўғрисидаги суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;*
- *вафот этган тақдирда;*
- *соғлиги ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра вазифасини бажаришига қодир бўлмайд қолган тақдирда.*

3.8. Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатини муддатидан илгари тугатиш акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан амалга оширилади.

3.9. Кузатув кенгашига сайланган шахснинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорлар умумий йиғилиши қарорига кўра амалга оширилади.

3.10. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган қўшимча талаблар Жамият уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши

томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин.

3.11. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

3.12. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган мустақил аъзолар ва бошқа аъзолар сонига алоҳида кўпайтирилади ҳамда акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

3.13. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

IV. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ АЪЗОЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

4.1. Кузатув кенгаши аъзолари алоқа бошқаруви, корпоратив бошқарув, менежмент, иктисодий ва ҳуқуқий ҳамда маркетинг масалаларидан бири бўйича билим ва малакага эга бўлишлари лозим.

4.2. Давлат улуши томонидан Жамият Кузатув кенгашига номзодлар (қонунчиликда ўрнатилган ҳолатлардан ташқари) Корпоратив бошқарувчи малака аттестати ёки сертификатига эга бўлиши лозим.

4.3. Қуйидагилар кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин эмас:

- сўнгги уч йил ичида жамиятда ва (ёки) жамиятнинг аффилиланган шахсларида ишлаган шахс;

- жамият овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи (тўғридан-тўғри ва (ёки) аффилиланган шахслар орқали) акциядор;

- жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлган шахс. Бунда қайси шахслар билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўша шахслар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

- сўнгги уч йил ичида жамиятга ва (ёки) жамиятнинг аффилиланган шахсларига аудиторлик хизматларини кўрсатган аудиторлик ташкилотининг ходими;

- кетма-кет олти йил давомида жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига кирган шахс;

- жамият ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган келишувлар мустасно;

- жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг яқин қариндоши ёки куда томондан қариндоши (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, ўғиллари, қизлари, эри (хотини), шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) бўлган шахс;

- давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлган шахс;

- жамиятнинг уставида ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари билан тасдиқланган ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган шахс.

4.4. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган мустақил аъзоларнинг реестрини қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ юритади ва уни ўз расмий веб-сайтида эълон қилади.

4.5. Жамият кузатув кенгаши мустақил аъзосининг Жамият Устави ва мазкур низомда белгиланган талабларга мувофиқлиги ўзгарган тақдирда, у жамиятни ва кузатув кенгашини бу ҳақда икки иш куни ичида хабардор қилиши шарт. Бу ҳолда ушбу низомнинг 3.3. бандида белгиланган тартибда бошқа номзод мустақил аъзо сифатида

таклиф этилади.

4.6. Жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси кузатув кенгашининг бошқа аъзолари билан бир қаторда ушбу Қонунда белгиланган тенг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади.

V. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ

5.1. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

5.2. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

5.3. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

5.4. Жамият Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

VI. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ

6.1. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси, ижроия органининг, шунингдек ички аудит хизмати бошлиғи ва Жамиятнинг бир фоиздан кам бўлмаган акциядорларнинг талабига кўра чақирилади.

6.2. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Йиғилишда мажбурий тартибда қуйидагилар кўриб чиқилади:

- *Жамият ижроия органининг Жамиятнинг йиллик бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши ва ривожлантириши стратегиясига эришиши бўйича кўриляётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари;*

- *Жамиятда йирик битим ёки аффилиланган шахслар билан битим тузилиши, шу жумладан, ушбу битимларни тузишда қонун ҳужжатлари ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига риоя этилиши бўйича тафтиш комиссиясининг хулосалари;*

- *Ички аудит хизмати ҳисоботи;*

- *Корпоратив маслаҳатчининг ҳисоботи.*

6.3. Жамиятда техник воситалар, Кузатув кенгаши аъзоларини идентификация қилиш воситалари ва бошқа аппаратуралар мавжуд бўлган тақдирда, Кузатув кенгашининг мажлислари видеоконференц-алоқа тарзида ўтказилиши мумкин.

6.4. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоиздан кам бўлмаслиги керак.

6.5. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Жамият уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоиздан кам бўлган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Жамият Бош директори ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

6.6. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, агар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги

қонуни ва Жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

6.7. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзоларининг овози тенг бўлган ҳолларда ҳал қилувчи овозга эга.

6.8. Жамиятнинг устав фондини (капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

6.9. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига ёки учинчи шахсга беришига йўл қўйилмайди.

6.10. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгашининг мажлис баённомаси котиб томонидан юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

6.11. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- *мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;*
- *мажлисда ҳозир бўлган шахслар;*
- *мажлиснинг кун тартиби;*
- *овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш*

яқунлари;

- *қабул қилинган қарорлар.*

6.12. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

6.13. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамиятнинг ижроия органига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

6.14. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин. Сўров йўли билан ўтказиладиган йиғилишлар мазкур Низомга илова қилинган бюллетенни юбориш орқали амалга оширилади. Бюллетен Жамият Кузатув кенгаши аъзоси томонидан шахсан тўлдирилиб, имзоланади.

6.15. Жамият Кузатув кенгаши мажлисларининг баённомаси Кузатув кенгаши котиби томонидан тузилади.

6.16. Жамият Кузатув кенгашининг котиби Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади. Кузатув кенгаши котиби сифатида, қоида тариқасида, Жамиятнинг корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи сайланади.

6.17. Кузатув кенгашининг котиби бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

6.18. Кузатув кенгаши фаолиятини таъминлаш учун Кузатув кенгаши котиби барча зарур чораларни кўради.

6.19. Кузатув кенгашининг котиби:

- Кузатув кенгашининг иш режаси лойихасини тайёрлашни ташкиллаштиради;
- Кузатув кенгаши мажлисларини чақириш тўғрисидаги талабномаларни қабул

қилади ва хабарномаларни юборади;

- овоз бериш бюллетенларни, Кузатув кенгаши мажлисларига хужжатлар ва материалларни таркатади;
- Кузатув кенгаши аъзолари томонидан тўлдирилган овоз бериш бюллетенларни қабул қилади;
- Кузатув кенгаши мажлислари баённомаларини юритади ва сиртдан овоз бериш натижалари бўйича баённомаларни тайёрлайди;
- мазкур Низомга, Жамиятнинг ички хужжатларига ва Кузатув кенгаши раисининг топшириқларига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

6.20. Мазкур низомда назарда тутилган хужжатлар ва материаллар Кузатув кенгаши котиби олган сана Кузатув кенгашига тақдим этилган сана деб ҳисобланади.

6.21. Жамиятнинг ички хужжатларида Кузатув кенгаши котибига у ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ (мукофот) тўланиши назарда тутилган бўлиши мукин.

VII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- *Кузатув кенгаши мажлисида шахсан қатнашиши, йиғилишида муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиши;*
- *Кузатув кенгаши қарорига кўра муайян давр учун Жамиятнинг фаолияти, уни ривожлантириши режалари тўғрисидаги маълумотлар олиши;*
- *қонунчиликда ва Жамиятнинг ички хужжатларида ўрнатилган тартибда ўз вазифаларини бажариб турган давр учун мукофот ва (ёки) Кузатув кенгашининг аъзоси вазифасини бажариши билан боғлиқ харажатларни Жамият молиявий натижаларига кўра олиши.*
- *Қонунчиликда ва Жамият уставида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқлар;*

7.2. Кузатув кенгаши қошида Кузатув кенгаши, ижроия органи, Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар) дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш, аудит, кадрлар бўйича ва бошқа кўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;

7.3. Кузатув кенгаши аъзоси қуйидагиларга мажбур:

- *Жамият билан битим тузишида аффилиланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириши юбориши орқали Жамиятни хабардор этиши;*

• *ўзининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек Жамият манфаатлари йўлида у энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга ошириши;*

- *Қонунчиликда ва Жамият уставида кўзда тутилган бошқа мажбуриятлар.*

7.4. Кузатув кенгаши аъзолари Жамият акциядорлари, бошқарув ва назорат органи аъзолари ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат, ҳисобдорлик ва назорат тамойиллари асосидаги ҳамкорликни таъминлайди.

7.5. Кузатув кенгаши аъзолари Жамият имкониятларидан (мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, Жамиятнинг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборотлар) шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

VIII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда қонун ҳужжатларида ва Жамият уставига белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

8.2. Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

8.3. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

8.4. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Кузатув кенгашининг аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими Кузатув кенгаши аъзоларини зарур материаллар билан таъминлаш, шунингдек, акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлик учун масъул ҳисобланади.

9.2. Ушбу Низом талабларини бузган айбдор шахслар ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортилади.

9.3. Агар мазкур Низомнинг маълум бир қоидалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамиятнинг уставига зид келса, ушбу қоидалар ўз кучини йўқотади ва ушбу қоидалар билан тартибга солинадиган масалалар бўйича мазкур Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият уставига амал қилинади.

**«O‘ZBEKISTON POCHTASI» акциядорлик жамияти
Кузатув кенгашининг сиртдан овоз бериш йўли билан қабул қилинган
қарорлари Бюллетени**

Кузатув кенгаши аъзоси: _____

**Сиртдан овоз бериш орқали қуйидаги кун тартибидаги масалалар бўйича қарорлар
қабул қилинади:**

1. _____.
2. ...

1. Кун тартибидаги биринчи масала бўйича қисқача маълумот

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича қуйидаги қарорлар матнига сиртдан овоз берилди:

1. _____.
2. _____.
- ...

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан овоз бериш вариантлари*:

Розиман – _____

Қаршиман – _____

Бегарафман – _____

**Овоз бериш варианты рўпарасига имзо қўйилади, қолган вариантларга чизиқча чизилади.
.....*

Ушбу бюллетенлар барча Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланиб, PDF шаклида электрон нусха олиниб, Кузатув кенгаши котиби (Ф.И.О.) _____ номига info@pochta.uz электрон почта манзилига 20__ йил __ ____, соат 16:00 га қадар юборилади. Кузатув кенгашининг сиртқи қарори Кузатув кенгаши раиси ва котиби томонидан бюллетенларни қабул қилиш муддати тугаганидан кейин 2 иш кунидан кечиктирмай умумлаштирилиб, ёзма қарор шаклига келтирилади ва имзоланди.

Кузатув кенгаши аъзоси / раиси: _____

имзо

Ф.И.О.